

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА  
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК  
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ**

**МОВЛНОВ ЖАҲОНГИР ЖЎРАБЕКОВИЧ**

**ЖАНУБИЙ НУРОТА ТОҒЛАРИНИ ОЛТИН МАҶДАНАЛАШУВИНИ  
БАШОРАТЛАШ МИНЕРАЛОГИЯ-ГЕОКИМЁВИЙ МЕЗОНЛАРИ  
(ФАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН)**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш  
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

Мовланов Жахонгир Журабекович Жанубий Нурота тоғларини олтин маъданлашувини башоратлаш минералогия-геокимёвий мезонлари (Ғарбий Ўзбекистон).....	3
Мовланов Жахонгир Журабекович Минералого-geoхимические критерии прогнозирования золотого оруденения в горах Южный Нуратау (Западный Узбекистан).....	23
Movlanov Jahongir Jurabekovich Mineralogical-geochemical criteria for forecasting gold mineralization in the mountains of Southern Nuratau (Western Uzbekistan).....	43
Эълон қилинган ишлар рўйҳати Список опубликованных работ List of published works.....	46

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА  
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК  
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ**

**МОВЛНОВ ЖАҲОНГИР ЖЎРАБЕКОВИЧ**

**ЖАНУБИЙ НУРОТА ТОҒЛАРИНИ ОЛТИН МАҶДАНАЛАШУВИНИ  
БАШОРАТЛАШ МИНЕРАЛОГИЯ-ГЕОКИМЁВИЙ МЕЗОНЛАРИ  
(ФАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН)**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш  
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/GM44 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Минерал ресурслар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.gpniimr.uz](http://www.gpniimr.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Турапов Мирали Камолович**

геология-минералогия фанлари доктор, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Колдаев Александр Александрович**

геология-минералогия фанлари доктори

**Умаров Акрамиддин Зайниддинович**

геология-минералогия фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**«Марказий геология-геофизика экспедицияси» ДК**

Диссертация химояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва мухандислик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети хузуридги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.GM.40.01 Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» январь соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: [info@gpniimr.uz](mailto:info@gpniimr.uz), [gpniimr@exat.uz](mailto:gpniimr@exat.uz)).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, г. Тошкент, Т.Шевченко кўчаси 11а. Тел.: (99871) 256-13-49.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_да тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_рақамли реестр баённомаси).

**Р. Ахунджанов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

**К.Р.Мингбоев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

**Х.А.Ақбаров**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, академик, г.-м.ф.д

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида қазиб олинаётган қимматбаҳо металларнинг асосий қисми йирик тоғмаъданли районлар ҳиссасига тўғри келади. Қазиб олинаётган конлар заҳирасини кенгайтириш билан қимматбаҳо металларнинг маъданлашувини, узвий алоқадорлигини аниқлаш ва ёриқли структуралар билан боғлиқлигини чукурроқ асослаш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса геологик-қидирув ишларининг илмий асосланган минералогик-геокимёвий мезонларини ишлаб чиқиш орқали янги истиқболли майдонларни аниқлаш ва башоратлашга имкон яратади.

Жаҳон амалиётида олтин маъданлашувини башоратлаш бўйича кўплаб давлатларида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада Хитой, Россия давлатларида олтин маъданлашувининг минералогик-геокимёвий хусусиятларини аниқлаш, уларнинг геологик тартибига кўра жойлашиши, геокимёвий аномал майдонларни хариталаш, маъданга алоқадор бўлган генетик боғликларни таҳлил қилиш, истиқболлилигини баҳолаш ва геологик мезонларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бундай илмий ёндашув ўз навбатида маъданлашувнинг башорат-қидирув мезонлари, аломатлари, узвий боғлиқликларини баҳолаш имконини беради.

Мамлакатимиз минерал-хомашё базасини кенгайтириш борасида муайян ютуқларга эришаётган бўлиб, жумладан, олиб борилган ишлар натижасида кўплаб янги олтин конлари аниқланган. Ўзбекистон Республикасининг харакатлар стратегияси бўйича Ҳукуматимиз томонидан «... алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш ...»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Жанубий Нурота тоғининг олтин маъданлашувини башоратлашнинг минералогик-геокимёвий мезонларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишларни олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 1 марта ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

«Ер тұғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал-хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йұналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жанубий Нурота олтин маъданлашувининг геологияси, минералогияси, геокимёси, шаклланиши ва жойлашиши қонуниятларини ўрганишда Ҳ.М.Абдуллаев, И.Ҳ.Ҳамрабоев, К.Л.Бабаев, И.М.Исамухамедов, Ҳ.А.Ақбаров, М.К.Турапов, А.К.Бухарин, Э.Б.Берман, Г.Е.Завьялов, П.Ф.Иванкин, М.М.Пирназаров, С.М.Колоскова, Н.И.Назарова, Ю.С.Савчук, Р.С.Хан, В.Д.Цой, Н.Н.Королева, В.Г.Харин ва бошқалар катта ҳисса қўшган. Бугунги кунда ҳам геокимё мактабининг эришаётган ютуқлари жаҳон геология фанида муносиб ўринни эгаллаб турибди.

Мазкур тадқиқотлар асосида олтин маъданлашувининг минерал таркибини, уларнинг маъдан-формацион мансублигини, геологик-саноат туркумланишини, олтин маъданлашуви шаклланиши ва жойлашуви қонуниятларини ва уларнинг генетик хусусиятлари аниқланган. Жанубий Нуротанинг маъдандорлигини ўрганишда эришилган ютуқларга қарамасдан, ҳозиргача минтақанинг маъданлашув билан структуралар орасидаги ўзаро муносабатлар, ёндош жинсларнинг металлогеник ихтисослашуви ва олтин маъданлашуви асосий компонентларининг металлогеник ихтисослашуви ва уларнинг геокимёвий хусусиятлари етарлича ўрганилмаган.

Маъданли элементлар геокимёси бўйича янги маълумотлар Жанубий Нуротанинг геологик ҳудудида кимёвий элементларнинг миграцион қобилиятини, шунингдек элементлар тарқалиши геокимёвий ореолларини белгиловчи омилларни (литологик, структуравий) аниқлашга имкон беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Минерал ресурслар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №585 «Геологик-геокимёвий мезонлар комплекси асосида Жанубий Нуротадаги олтин учун бўлган майдонларни ажратиш» (2001-2005й.), №683 «Қорақчаторвда олтин маъданли нишоналар жойлашиши геологик-структуравий шароитларини таҳлил қилиш ва уларнинг истиқболларини баҳолаш» (2005-2007й.), №846 «Теледетекциянинг рақамли янги материалларини қўлланган ҳолда Жанубий Нурота тоғларининг ғарбий қисмида олтин ва вольфрам маъданлашувининг жойлашув шароитларини ўрганиш» (2009-2012й.), №1048/3 «Жанубий-Нурота тоғлари Бузгул истиқболли майдони чўқинди, метаморфик ва магматик ҳосилалари маъдандорлигини комплекс космоструктуравий ва геокимёвий ўрганиш» (2012-2015й.) амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Жанубий Нурота тоғларида олтин маъданлашувини башоратлашни минералогия-геокимёвий мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бурмали зоналарни минералогик хариталаш асосида олтин маъданлашувининг минералогик таркибини ва типоморфизмини аниқлаш;

олтин маъданли объектлар ва унга йўлдош маъданли элементларни тарқалиш ореолларининг кенг ривожланган комплекс геокимёвий аномалияларининг боғлиқлигини аниқлаш;

Жанубий Нурота муҳим олтин маъданли объектларидағи олтин маъданлашувини жойлашиш хусусиятларини асослаш;

олтин маъданлашувини башорат-қидирув мезонларини ишлаб чиқиш ва улар асосида истиқболли майдонларни ажратиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** Жанубий Нурота тоғларидағи олтин конлар, маъдан намоёнлари ва олтин маъданлашув минерализациялашган ҳудудлари хисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида олтин маъдани туркумлари ва уларнинг моддий таркиби, минералогик ва геокимёвий хусусиятлари, ёриқли структуралар, тектоник бурмаланиш зоналари танланган.

**Тадқиқотнинг усуллари** жаҳон амалиётида ва республикамизда маълум бўлган минералогия ва геокимёвий усулларни кенг қўллаш билан ифодаланади, бу эса ишнинг аниқ ва ишончли бажарилишини таъминлаган бўлиб булар қўйидагилардан иборат: геокимёвий ва муайян башоратлаш усули; минералогик хариталаш усули; термобарогоекимё усули; элементларнинг микдорларини аниқлашда юқори аниқликка эга бўлган замонавий сертификатланган таҳлил усуллари (олтинспектрал, рентген-микрозонди, масс-спектрометр - ICP MS ва бошқалар); маҳсус дастурий таъминоти усулида геокимёвий аномал майдонлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

Жанубий Нурота бурмали зоналарини олтин маъданлашувининг минералогик таркиби ва типоморфизми асосида маъданли ва маъдансиз кварц томирлари аниқланган;

объектларда олтин ва унга йўлдош маъданли бирламчи элементлар (As, Ag, Pb, Sb) ҳамда иккиласми тарқалиш ореолларининг кенг ривожланган комплекс геокимёвий аномалияларини боғлиқлиги аниқланган;

Жанубий Нурота олтин маъданлашувининг жойлашиш хусусиятларини минералогик мезонлари ишлаб чиқилган;

олтин маъданлашувли ҳудудларни истиқболини баҳолашнинг янги геокимёвий мезонлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

бурмали зоналарнинг минералогик харитаси тузилганлиги, ҳамда минералогик-геокимёвий хусусиятларини ўрганилганлиги асосида кварцлар маъданли ва маъдансиз турларга ажратилган;

объектларда олтин ва унга йўлдош маъданли элементлар тарқалиш ореолларининг кенг ривожланган комплекс геокимёвий аномалияларининг боғлиқлигини аниқланган;

Жанубий Нурота олтин маъданлашувининг жойлашиш хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида энг аҳамиятли омилларини ва белгиларини узвий алоқадорлиги асосланган;

олтин маъданлашувини баҳолашнинг минералогик-геокимёвий мезонлари асосида истиқболли майдонлар ажратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўтқазилган илмий-тадқиқот ишлари ва лаборатория тадқиқот усуллари халқаро сертификатланган, ИТИ сифати ва ишончлилиги бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади. Тадқиқот маъданлашувнинг жойлашиш шароитларини геологик-структуравий хариталаш, таҳлил қилиш; маъданларнинг минерал таркибини ўрганиш ва геокимёвий хусусиятлари усулларига мос ҳолда ўтқазилганлиги, олинган олтинспектрал, атом-абсорбцион ва бошқа лаборатория таҳлиллари натижаларининг ишончлилиги, бажарилган минералогик-геокимёвий тадқиқотларга мос келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти комплекс минералогик-геокимёвий излашда олинган натижалар Жанубий Нурота бурмаланиш зонасидаги истиқболли маъдандорлиги ўрганиш учун хизмат қилиб, аниқланган томир-томирчали кварц ҳосилалари генерацияси беш туркумининг типоморф минерал-геокимёвий хусусиятлари ҳамда маъданли ва маъдансиз кварц томирлари ажратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, маъданларнинг минерал таркиби, уларнинг структураси ва текстурасини аниқлаш, асосий маъданли геокимёвий хусусиятларини белгилаш ва қидирув ишларини бажариш учун истиқболли участкаларни ажратища амалий ёрдам бермоқда. Ишлаб чиқилган геокимёвий башоратлаш хариталарни амалиётда қўллаш, геология-қидирув ташкилотларида геологик маълумотларни тез ва самарали олиш, тўплаш ва таҳлил қилишни сифат жиҳатдан янги даражага ўзқазиша хизмат қиласи.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жанубий Нурота тоғларида олтин маъданлашувини башоратлаш минералогия-геокимёвий мезонлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Жанубий Нурота тоғининг эндоген олтин маъданлашувининг геокимёвий башоратлаш хариталари «Регионалгеология» Давлат унитар корхонасида амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 10 октябрдаги 04/21-спр-сон маълумотномаси). Натижада Жанубий Нурота тоғларида олтин учун геологик қидирув ва съёмка ишларини олиб бориш имконини берган;

кварц ҳосилалари генерациясининг маъданли ва маъдансиз кварц томирларига ажратилганлиги тўғрисидаги хulosалар «Регионалгеология» Давлат унитар корхонаси фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 10 октябрдаги № 04/21-спр-сон маълумотномаси). Натижада ҳудудлар бўйича махсус илгарилама дала, камерал ишларини аниқ мақсадли ва самарали амалга ошириш имкони яратилган;

ўн тўртта истиқболли майдонларининг иккитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 28 марта тасдиқланган 246-сон «Хорижий инвестициялар жалб этиладиган геологик ўрганиш учун қаттиқ фойдали қазилмаларнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган турларининг истиқболли йўналишлари» рўйхатига киритилган. Натижада геология қидирув ишларини олиб бориш учун Тўсун ва

Қорақчатор майдонига (Туркия) инвестицияларини киритиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Ушбу тадқиқотлар натижалари 10 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда мұхокама қилингандар.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилингандығы.** Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 12 таси тезис, 4 таси илмий мақола, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациясининг ҳажми 118 матнли бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмida** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва талағорлиги, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқотлар обьекти ва предмети баён этилган, диссертация мавзусининг республика фанлари ва технологияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, диссертациянинг тузилиши ва нашр ишлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Жанубий Нурота тоғининг минералогик-геокимёвий ўрганилганлиги» деб номланган биринчи бобида Жанубий Нурота ҳудудида олтиннинг геокимёвий қидиув натижаларни таҳлил қилишга бағишиланган. Геокимёвий тадқиқотлар бу минтақада асосан Қоратовда, Пашаттовда, Бахилтовда, Оқтовда ва Қорачатовда ўтказилган бўлиб, уларнинг майдони ўтган асрнинг 50-60 йилларида фақат 1:50 000 миқёсдаги, алоҳида майдонларда эса 1:25 000-1:10 000 миқёсдаги металлометрик суратга олиш билан қопланганлиги аниқланди. Олтинмаъданли далалар ва саноат маъданлашувга эга конларда ўтказилган геокимёвий тадқиқотлар кенг қамровдаги масалаларни ечишни, майдонли геокимёвий аномалияларни баҳолашни ўз ичига олган бўлиб, миқдор ёки сифат эҳтимолий-статистик ёндошувга асосланган аналогиялар усулида амалга оширилган. У кўпинча геокимёвий далалар геологик-структуравий ўрнини етарлича аниқламасдан бажарилган (Н.А.Ахмедов ва б., 1997).

Умуман олганда, кўрсатилган миқёслар учун (1:25 000 – 1:50 000) Жанубий Нурота ҳудудини геокимёвий ўрганилганлик металлометрик суратга олишнинг кескин устиворлиги билан характерланади. Шунга қарамасдан, бу ишлар натижасида Сармич, Бирон, Олтинқозган ва бошқа конлар топилган ҳамда Қоратов минераллашган зонаси ажратилган. Буларнинг барчаси тадқиқотларнинг геокимёвий усувлари ўрганилган ҳудудда қидиув-разведка ишларини ўтказишида катта имкониятга эгалигини кўрсатади.

**Иккинчи «Жанубий Нурота тоғларининг геологик тузилиши ва олтиндорлиги»** бобида Жанубий Нурота тоғлари минтақавий структураларнинг Зарафшон-Туркистан структуравий-формацион зонасида жойлашган бўлиб, у билан Ғарбий Ўзбекистон саноат олтиндорлигининг катта қисми боғлиқ. Минтақавий маъдан назоратловчи структура бўлиб Жанубий Нурота чуқур ер ёригининг тармоқлари – Шимолий (I-2) ва Жанубий (I-1) (Н.И.Назарова ва б., 1988) саналади. Генетик туркуми бўйича шунга ўхшаш маъдан назоратловчи структура Жанубий Нурота тоғларининг ғарбий қисмида кузатилади – бу Қоратовдир (II). Коллизион босқичдаги мухим магма ва маъдан назоратловчи структура саналувчи Қоратов ва Жанубий Нурота бурмаланиш зоналарида олтин ва б. металлар эндоғен конларининг катта қисми жойлашган. Қоратов ва Жанубий Нурота структураларининг томезозой фундаменти очилган жойлари бўйича узунлиги мос равишда 90 ва 180 км ни ташкил этади, бу ҳар иккала туташган мураккаб тузилган бурмали-узилмали дислокациялар кенглиги 1-2 дан 5-6 км гача ўзгаради. Йўналиши бўйича бу ҳар иккила зоналар умумий структураларнинг тармоқлари бўлган маҳаллий зоналарга ажратилади.

Жанубий Нурота худуди умуман Нурота минтақаси учун хос бўлган геологик ривожланиш тарихига эга бўлиб, геологик тузилиши ва маъдандорлиги бўйича бир қанча индивидуал хусусиятлари билан фарқ қиласди. Кучли бурмаланган томезозой ҳосилаларидан тузилган бўлиб, улар тоғ жинсларининг иккита бош туркуми: кембрий-силурнинг чўкинди-метаморфик – метаморфлашган терриген, метавулканоген, кремнийли ва  $C_{2-3}$ - $C_2$  карбонатли жинслари,  $C_2$ -Р ёшидаги интрузив жинсларидан иборат. Тектоник тузилишининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб дастлабки тектоник структураларнинг ғарб-шимолий-ғарбдан то шимолий-ғарбий йўналишдагилари устиворлиги; кечкиларининг блок ҳосил қилувчи тектоник ёриқлари; майда бурмали ва узилмали структураларнинг кенг ривожланганлиги саналади.

**Учинчи «Жанубий Нурота тоғлари олтин маъданлашувишининг минералогик-геокимёвий хусусиятлари»** бобида тадқиқотлар усуллари диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқсан бўлиб, қўйидагиларни ўз ичига олади:

минералогик усуллар, Қорачатов бурмаланиш зонаси майдонида томир-томирчали кварц минерализациясини минералогик хариталаш;

олтин маъданлашуви жойлашуви шароитларини таҳлил қилишнинг геологик-структуравий усуллари; унда асосий диққат маъдан назоратловчи структураларга қаратилган;

геокимёвий тадқиқотлар ўтказиш;

геологик формацияларнинг геокимёвий ихтисослашувини аниқлаш билан ҳудуднинг олтиналорлиги даракчиларини таҳлил қилиш;

олтин ва олтин-қумушли конларни башоратлаш ва қидириш усулларини комплекслаш бўйича ЦНИГРИ нинг услубий тавсиялари, олтинмаъданли конларни башоратлаш ва қидиришда геокимёвий усулларни қўллаш бўйича тавсиялар;

лаборатория ва дала тадқиқотлари маълумотларини таҳлил қилишнинг статистик-математик усуллари;

олтинга истиқболли майдонларни ажратиш орқали геологик-геокимёвий башорат-қидирав мезонлари комплекси асосида Жанубий Нурота тоғларининг олтинга башорат-геокимёвий хариталарини тузиш;

олтинга истиқболли бўлган жиҳатларни асослаш учун геологик-геокимёвий ахборотларни қайта ишлашнинг компьютер технологияси.

Типоморфизм ҳозирги формулировкада – бир қанча минераллар ва уларнинг парагенетик мажмуаси жуда аниқ, диапазони бўйича нисбатан тор термодинамик шароитлар тебранишини ташкил этувчи ва бу шароитларда характеристикини аниқ қайдловчи ҳодиса. Минераллар типоморфизми ҳақидаги таълимотнинг асосий йўналиши - умумгеологик, кристалломорфологик, кимёвий, структуравий, изотопли ва электрон микроскопия хусусиятларни ўз ичига олади. Корачатов бурмаланиш зонасида томир-томирчали кварцли ҳосилаларнинг турли генетик туркумини минералогик ўрганишда асосий диққат кварцнинг ташқи кўринишига, минерал таркиби, минералларнинг парагенезисига ва ўзаро муносабатларига, кварц агрегатлари морфологияси хусусиятларига қаратилган. Кварцнинг типоморфизмини тадқиқ қилиш визуал кузатилувчи белгилари, шаффофф ва силлиқланган шлифларни ўрганишга, электрон микроскопия, спектрал таҳлил маълумотларига асосланган (2000 намуна). Корачатов бурмаланиш зонаси кварц таналарига жуда тўйинганлиги қайд этилади.

Кварц таналарининг морфологияси пластик ва мўрт тектоник деформациялар жадаллиги ва пластиклиги характеристи ва тоғ жинсларининг механик ҳоссаларига боғлиқ. Ҳам алоҳида, ҳам томирчалар билан бирга учровчи томирли таналар устиворлик қиласида. Тарқалиши бўйича кейинги ўринда чизиқли томирчалар туради, кварц уячалари ва турлича мўлжалланган штокверкли морфологиядаги кварц кам тарқалган. Кварц ташқи пластик ва мўрт деформациялар таъсирида ички тузилишини ўзгартириш хусусиятига эга. Ташқи деформацияларнинг таъсири бир ҳолларда доналар тузилишига таъсир қилмайди (пластик деформацияда), иккинчи ҳолда – доналар тузилишини бузади (мўрт деформацияда).

Фаол деформация эрта кварц доналаридагина кузатилади. Пластик деформация ичида деформациянинг оддий шакли (бир тўлқиннинг сўниб бориши шаклида), мураккаб-йўл-йўлли ва доғли (нобиржинсли мўлжалланиш) ажратилади. Бу деформациянинг биринчи даражасидир.

Мозаикли бурдаланишда кварцнинг йирик доналари қутубланган нурда қайд этилувчи қисмларга бўлиниб кетади. Мўрт деформациялар доначаси дарзланишида ҳам ифодалangan бўлиб, доналар кирралари бўйлаб микродарзиклар ҳосил бўлишида кузатилади. Мўрт деформациянинг кучли дарражаси - кварцли брекчияларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Кварцнинг мўрт-пластик деформацияси интенсивлиги ҳамда йирик тектоник бузилиш зоналарга яқинлашувида уларда маъданли минералларнинг микдори ошиб бориши кузатилади.

Физик ва генетик белгилар комплекси бўйича кварц ҳосилаларининг беш генерацияси: метаморфоген кварц-1; метаморфоген-гидротермал кварц-2; пневматолит-гидротермал кварц-3; сульфидли ва олтинли гидротермал кварц-4 ва гидротермал паст ҳароратли кварц, постмаъданли кварц-5 ажратилади.

Корачатов бурмаланиш зонасида томир-томирчали кварц ҳосилаларини минералогик хариталаш натижалари кварц-томирли ҳосилалар бурмаланиш зонасининг марказий қисмида энг кучли ривожланганлигини кўрсатади. Улар чизиқли чўзилган зоналарни ҳосил қиласди, тектоник бузилишлар билан маконий ва генетик боғлиқ.

Корачатовдаги Н.А.Ахмедов, Ю.Г.Спирин, Ю.И.Лошкин ва бошқаларнинг олдинги тадқиқотлари шуни кўрсатадики, кварцли томир-томирчали минерализация турли геологик ва маъдан ҳосил қилувчи жараёнларнинг индикатори ҳисобланади, маҳаллий тектоник деформацияни қайд этади. Корачатов бурмали зонасида кварц-томирли ҳосилалар дала минералогик хариталаш усули бўйича биринчи марта систематик ўрганилди. Бу кварц таналарининг маконий ривожланиши хусусиятларини ўрганиш, минерал-геокимёвий, маъдансиз ва олтинли кварц ҳосилаларини фарқлаш мезонлари ишлаб чиқиш имкониятини берди. Бу тадқиқотлар натижасида аниқланган типоморф минерал-геокимёвий хусусиятлар турли генезисдаги томир-томирчали кварц таналарини бошқа бурмаланиш зоналарида гилар маълумотлар билан тақослаш даражасида эканлиги уларни Жанубий Нурота худудининг олtinga истиқболлигини аниқлашда қидирув белгилари ва башорат-қидирув мезонлари сифатида фойдалашиб мумкинлигини тавсия этишга имкон беради.

Пневматолит-гидротермал кварцнинг оқ ва кулрангсимон кварц-3 томирларида бурдаланиш ва устама тушган сульфид минерализацияси кузатилиб, у пирит ва темир гидрооксидларидан таркиб топган. Номаъдан минераллардан дарзликлар бўйлаб темирли карбонатнинг майда донали агрегатлари, серицит, каолинит, гидрослюдалар, хлорит ривожланган бўлиб, улар қўпинча маъданли минерализация билан бирга учрайди.

Маъданли минераллар кварцда хол-холли, уяча, томирчалар ва уларнинг мажмуаси қаблида дарзликлар бўйлаб ривожланади ва оксидланиш зонасининг иккиламчи минераллари билан ўрин алмашади.

Аламди маъдан нишонасида пневматолит-гидротермал кварцга дарзликлар бўйича ривожланган олтинмаъданли гидротермал минерализация устама тушган. Олтинли кварц томирларида қизғиши-жигарранг гётит, қалинлиги 2-3 мм гача борадиган ярозит томирчалари, скородитнинг сийрак пленкалари қўшимчаларига эга тармоқланувчи томирчалар ва ўлчами 5-6 см ли уячалар, колломорф-йўл-йўлли структурага эга бўлган лимонитдан таркиб топган бўшоқ охрали ҳосилалар кенг тарқалган (расм 1).


Гипидиоморф донали кварц ўрта- ва йирик донали агрегатлар қаблидаги альбит билан қўшолоқлар ҳосил қиласди. Кварц суст булутсимон-тўлқинли ўчишга эга. Альбит полисинтетик қўшолоқли рангиз таблеткали кристаллардан иборат (шлиф 1017, расм 1 в, г). Дарзликлар бўйлаб майда

кристалли идиоморф донали кварц ривожланган, ўлчами 0,2 мм гача борадиган апатит кристаллари учрайди.


Аламди маъдан нишонасида намуна-протолочкасининг оғир фракциясида пирит, малахит, церусситнинг сийрак доналари ва соф олтин учрайди (расм 1б). Йирикроқ олтин дўнгли юзага эга.




а) томирдан олинган кулранг яримшаффоф кварц (Q-3) (1017)



б) кварц томирларидаги ўлчами 0,10-0,65 мм ли олтин (1017 протолочка концентрат)



в) альбит-кварцевый агрегат (анализаторсиз)



г) ўша (шл. 1017, ник. +) карбонат ва темир гидрооксидлари (ник. ||)

**Расм. 1. Аламди олтинли кварц маъдан нишонаси.**

Бу туркумдаги кварцни электрон-микроскопда ўрганиш кристалли агрегатларнинг юқори даражадаги идиоморфизмини кўрсатади.

Гидротермал кварц-4 оқ, кулранг ва оч кулранг сульфидли ва микроскопик олтинли бўлиб, баъзан ранги нотекис дофли ҳаворанг тусга ўзгартиради. Бу кварц фарфорсимон ёки шакарсимон тусмолдаги яширин кристалли ношаффоф агрегатлардан иборат. Кварц учун интенсив мўрт-пластик деформация характерли бўлиб, у доналарнинг нотекис булутсимон-тўлқинли ўчиши, мозаикали таксимланиши, дарзликлар ва доналар чегаралари бўйлаб грануляр шаффоф кварц билан ифодаланган. У карбонат, серицит, каолинит, хлорит, соф олтин, пирит ва ярозит бўйича темир годрооксидлари билан псевдоморфозага эга.

Тўсун маъдан нишонасидан олинган намуна-протолочка концентратларида лимонитлашган кварц томирларида соф олтин, пирит, халькопирит, арсенопирит, галенит учрайди, жуда кам ҳолда малахит, скородит кузатилади. 1209 протолочка оғир фракциясида соф олтин ёрқинсариқ рангли кварц билан бирга ўсан ҳолда ҳамда чангсимон хол-холли кўринишда учрайди. Кимёвий таҳлил қилиш натижалари бўйича қўрғошин микдори – 0,48 %, маргимушники – 0,1 %, қўрғошин микдори – 0,48 %, мисники – 0,1 %, кумушники – 415 г/т, олтинники – 26,25 г/т. Pb нинг юқори микдори галенит мавжудлигини тахмин этади.

Чиннисимон майда донали гидротермал кварцни электрон-микроскопик ўрганишда ўлчами 15-20 мк гача борадиган изометрик думолак шаклдаги газ-суюқ кўшимчалар борлигини аниқлаш имконини берди.

Найманбулоқ ва Тўсун участкаларида фарфорсимон кварцнинг томирли ҳосилалари ривожланишининг иккита ареали аниқланган бўлиб, улардан бири - Найманбулоқ участкасидан ғарброқда Ингичкасой ҳавзасида кузатилади. Унда олтиннинг микдори 0,1-0,8 г/т. Бунда кварц-3 кварц-2 ҳисобига дарзликлар бўйлаб юпқа томирчалар шаклида ривожланган. Бу томирчалар яқинида кўринарли олтин ва бир қатор бошқа минераллар тўпланган (С.М.Колоскова ва б., 2005, 2007).

Жанубий Нурота бурмаланиш зonasида маъдан нишоналари, участкалари ва минерализацияланган нукталар даражасида кўп микдорда олтинли обьектлар топилган бўлиб, уларнинг оксидланиш зоналари чегарасида олтин микдори 0,1-1,0 г/т, камроқ 2-3 г/т гача боради. Оксидланиш зоналарида олтиннинг юқори концентрацияси метасоматик ўзгарган жинслар кварцланиш зоналаридаги кварц томирлари билан боғлиқ. Оксидланган ва яримоксидланган сульфид минерализацияси таркибида пирит, арсенопирит, халькопирит, галенит, пирротин, марказит ва бошқа минераллар кузатилади.

Тоғ жинсларининг маъданбўйи ўзгариши бурдаланиш зоналари, тоғ жинсларининг брекчияланишида ривожланган микротомирчалар ва метасоматик кварцланиш, серицитизация, пиритизация, углефикация, каолинизация, альбитизация ва карбонатизация сифатида ифодаланган. Метасоматик ўзгаришлар фаоллиги суст. Гранитоидларда алоҳида дарзликлар, бурдаланиш зоналари бўйлаб кварц томирлари яқинида хлоритизация ва серицитизациянинг юпқа зоналари ривожланганлиги кузатилади.

Боштут бурмаланиш зонсида олтин маъданлашувининг минерал-геокимёвий хусусиятларининг ўрганиш натижалари асосида Битоб маъданли даласи шаклланишида маъданлашиш шароитининг геокимёвий модели яратилди. Боштут бурмаланиш зонаси ҳозирги тасаввурда шимолдан Бубоқ, жанубдан Йўлбосар ер ёриқлари билан чегараланган маъдантутурчи дислокация зонасидан иборат бўлиб, у Битоб маъданли даласидан шимолий-ғарбий ва шарқий йўналишлар бўйлаб чўзилган. Зона мувофиқ ва кесувчи ер ёриқлари, ўзгарган диабаз дайкалари билан мураккаблашган.

Олтин маъданлашувининг иккиласи геокимёвий ореоллари элемент-индикаторлари ривожланиши, уларнинг геологик-структуравий назорати

масаласини таҳлил қилиш қўпинча бир қанча хulosалар чиқаришга олиб келади. Шу туфайли уларнинг жойлашиши шаклланиши ва башоратлаш қонуниятларини топишни қийинлаштиради. Бу муаммони ечиш учун структуравий таҳлил қилишнинг усулларидан бири қўлланилди. Унда геологик маълумотларни (бунда кимёвий таҳлил натижалари) қайта ишлаш учун силжувчи квадрат трафаретдан фойдаланилди. Бу эса тарқоқ ореоллар маълумотларни майдонлига ўтказиш, ўзаро боғлаш имконини берди. Маълумотларни қайта ишлаш учун стандарт трафаретдан фойдаланилди. Трафарет ойнаси қирраси бўйича ўлчами  $2 \times 2$  см, бу 1 см га силжигандаган майдоннинг ҳар бир квадрат сантиметри сонли маълумотни олиш имконини беради. Геокимёвий аномалиялар изочизиқлари билан кесишишлар ҳисоблаб топилади.


Геокимёвий далаларни тизимлашнинг бу усулидан ҳам мононоэлементли, ҳам полиэлементли геокимёвий ореоллар учун фойдаланиш мумкин. Аддитив (жамлама) ореоллардан фойдаланиш маъданли жараёнлар билан синхрон кечган маъданли элементлар ореолларининг шаклланиш, жойлашиш хусусиятлари тўғрисида фойдали маълумотларни олишни кучайтириш имконини беради.

Геокимёвий далаларни тизимлашнинг таърифланган усули асосида геокимёвий далада олтин ва маргимуш ореоллари зичлиги бўйича Au, As нинг иккиласи тарқалиш ореоллари трансформацияси амалга оширилди. Далалар структурасида геокимёвий аномалий зичлиги Битоб маъданли даласида Au + As маконда ўзаро мустаҳкам боғлиқ изометрик (тугунли) ва чизиқли-тугунли морфотипларга киритилиши мумкин. Умуман олганда Au + As аномал далалар жойлашиш ҳудуди бўйича юқори зичлик турли узунликдаги шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий тектоник структуралар, интрузив ҳосилалар намоён бўлиши билан назорат қилинади.

Геокимёвий далаларни тизимлаш маълумотларини қайта ишлаш пирит-арсенопирит-олтинмаъданли формация минерализацияси билан юқори даражада таққосланувчи икки гурӯҳдаги маъданли элементлар учун бажарилган. Au+As зичлиги аномалиялари усти эрозияга учрамаган Самарий интрузивининг чекка қисмлари ва устига яқин келади (расм 2). Au+As ва Ag+Pb+Sb геокимёвий аномалиялари зичлиги далалари жойлашувидаги икки ҳолат намоён бўлган: 1) маконий алоҳидалик; 2) биринчисининг четларида иккинчи туркумдаги далалар кенг ривожланганлиги билан ифодаланган қонуний бирга учраш. Иккиласи тарқалиш ореоллари бирламчисига мерос бўлганлиги туфайли биринчисининг ўзига хос хусусиятларини такрорлайди ва унинг ривожланиш жойига яқин бўлади, уларнинг жойлашишни таҳлил қилиш майдонларнинг туб олтиндорлиги ҳақида хulosса қилишга имкон яратади.

Кўриб чиқилган геокимёвий далалар жойлашиш хусусияти қуйидаги хulosага келишга имкон беради: Жанубий Нуротадаги олтин, маргимуш, кумуш, қўрғошин, сурма ва б. металларнинг иккиласи тарқалиш ореолларидаги юқори миқдоридан олтиннинг яширин, саноат концентрацияси қидирув белгилари сифатида фойдаланиш мумкин; олтин ва маргимушнинг иккиласи тарқалиш ореоллари кенг ривожланиши, туб

метатерриген тоғ жинсларда аниқланган олтиндорликнинг контрастлиги бу ҳудудининг олтиндорлиги имконияти ҳали тўлиқ очилмаган дейишга асос бўлади.



**Расм 2. Битоб маъданли даласи олтин ва маргимуш геокимёвий аномалияларининг структураси:** 1- олтин ва маргимуш геокимёвий аномалиялар шартли зичлиги изочизиклари; 2- юқори контрастли олтин геокимёвий аномалиялари ривожланган майдонлар; 3- олтин маъданни нишоналари; 4-магниторазведка маълумотлари бўйича Самарий интрузиви контури; 5-тектоник ёриклар; 6-1:25 000 миқёсдаги тарқалишнинг иккиласи ореаллари бўйича литокимёвий суратга олиш контури.

Тўртинчи «Олтин маъданлашувини назорат қилувчи минералогик-геокимёвий белгилари ва омиллар» бобида маъдан назоратловчи литологик омиллар деганда А.В.Королев, П.А.Шехтман, В.А.Королев, Х.А.Акбаров, В.М.Крейтер, Е.М.Некрасов, Ф.И.Вольфсон, Н.А.Никифоров, В.П.Федорчук, Ю.С.Шихин, В.Я.Зималина, Р.Р.Исанов, М.У.Умархўжаев ва бошқалар томонидан маъдан ётқизилиши учун қулай бўлган тоғ жинсларининг кимёвий ва физик-механик хоссалари (таркиби, ғоваклиги, дарзланганлиги ва б.) тушунилади. Уларнинг фикрича, структуравий ва литологик омиллар биргаликда қўпинча геологик маконда маъданли таналар, минерализация зоналари ва б. да маъданлашув учун маъданли эритмаларнинг ҳаракат йўлларини белгилайди.

Жанубий Нурота тоғларида олтин минерализациясининг жойлашуви яққол стратиграфик назоратга эга – у кембрий, ордовик ва силур ёшидаги жинсларда ривожланган.

Кембрий ва ордовик ётқизикларидан иборат тоғ жинслари учун уларни қоплаб ётувчи ўшроқ силур ётқизикларига нисбатан сидерофил элементлар комплекси – Ti, Cr, V, Ni, Co геокимёвий ихтисослашув характерли, P, Zn, Cu миқдори маҳаллий участкаларда юқори. Статистик геокимёвий кўрсаткичлар вариацияси эпигенетик қайта тақсимланишини ва маъданли элементларнинг (Au, Ag, As) чиқиб кетишини қайд этади. Уларнинг миқдори €-О ётқизикларida контраст характерга эга. Айниқса кимёвий элементларнинг сезиларли қайта тақсимланишини бу тадқиқотчилар

минтақавий метаморфизм босқичи билан боғлашади. Минтақавий метаморфизмда элементлар миграцияси, бойиши ва геокимёвий тўсиқларда, органик моддаларга тўйинган тоғ жинсларининг қатламчаларида, таркиби бўйича контраст тоғ жинсларининг контактларида, тоғ жинсларининг қатламланишига мувофиқ ётувчи метаморфоген кварц томирларида чўкмага учун шароитлар яратилади.

Силур ётқизиқлари потенциал маъданутувчи саналади, шу билан бир қаторда кўмир-сланецли қатламчаларда юқори металлдорлик кузатилади (З.М.Абдуазимова ва б., 2004). Элементлар тақсимланиши статпараметрларида силур ётқизиқларининг геокимёвий профили суст ихтисослашган, оксифил-халькофил-сидерофилли ва дифференциалланган қаблида белгиланган. Au, Ag, As, Cu, Pb ва бошқа элементлар концентрацияси маъдан ҳосил қилувчи жараёнларнинг элемент-индикаторлари эндоген табиатга эга бўлган.

Метаморфизмга учраган чўкинди қатламлар тоғ жинсларининг юқори кири тувшанлиги, кесманинг контрастлиги ва қатламланишининг ритмийлиги ҳам маъдан ётқизилиши учун қулай шароитлар бўлиб ҳисобланади. Геологик ҳосилаларнинг кимёвий ва физик-механик ҳоссаларидаги фарқдан келиб чиқкан кесманинг контрастлиги геокимёвий тўсиқлар шаклланишига олиб келган. Кесмада қатламларнинг ритмик алмашиниб ётиши литологик қулай бўлган горизонтларда кўп ярусли маъданлашув учун қулай шароитлар яратади.

Структуравий мезонлар - бурмали ва узилмали структуралар ва уларнинг конлар шаклланиши ва маъданлашув жойлашиши учун қулай бўлган геологик ҳосилалар билан биргалиқда учрашини ўз ичига олади. Структуралар олтин минерализацияси жойлашувида бош маъдан назоратловчи омиллар саналади. Уларнинг орасида минтақавий ва маҳаллий омиллар ажратилади. Маъдан назоратловчи аҳамияти бўйича ёриқли структуралар ҳудудни маъдан чиқарувчи, маъдан келтирувчи, маъдан тақсимловчи ва маъдан тутувчиларга ажратади.

Маъданлашувнинг магматик тоғ жинслари билан алоқаси ҳам генетик, ҳам парагенетик бўлиши мумкин. Олтиннинг постмагматик гидротермал нишоналари учун минтақада шуроқ комплекси  $C_3-P_1$  гранитоид интрузиви билан парагенетик алоқа мавжудлиги аниқланган.

Олтин маъданлашувининг минералогик қидирав белгиларига олтин микдори юқори бўлган кварц-томирли ҳосилалар ва томир-томирчали кварц-сульфидли минерализациянинг туб очилмалари, экстенсив характердаги ва нишоналари нотекис тарқалган, бурмаланиш зоналарига яқин бўлган соф олтиннинг шлих ореоллари киради.

Олтин маъданлашувинининг маъданусти даражасини ўрганиш натижалари олтин ва йўлдош элементлар ореоллари маъданлашув жойлашувининг геологик-структуравий вазиятига боғлиқ ҳолда маъданли тананинг устки чегарасидан ўнлаб, биринчи юзлаб километрларга тарқалиши мумкинлигини кўрсатади. Эндоген маъданбўйи поликомпонентли ореолларга нисбатан яширин олтин маъданлашуви маъданусти қисмида суст ва маъданли элементлар паст контрастли ореоллари билан харакатланади.

Олтин ва маргимушнинг иккиламчи тарқалиш ореоллари маъдан ҳосил қилувчи элементларнинг геокимёвий ореоллари юқори контрастлиги; геокимёвий далалар структуралари морфологиясининг мозаикалииги билан характерланади. Билвосита қидирув геокимёвий белгилари бўлиб олтин минерализациясининг йўлдош элемент-индикаторлари – As, Ag, Pb, Cu, Cd, Zn ва кенг тарқалган маъданусти даражаси элементлари – Sb, Hg ореоллари саналади.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, Жанубий Нуротада олтин маъданлашувининг жойлашишини таҳлил қилиш энг аҳамиятли омиллар ва белгиларни ажратишга имкон берди. Бу истиқболли майдонлар ва алоҳида жиҳатларни ажратишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Маълумки, маъдан назоратловчи омилларга маъданлашувининг шаклланиш ва жойлашиш қонуниятларни белгиловчи: литологик-стратиграфик маъдан назоратловчи омиллар – бу маъданлашувнинг қонуний жойлашувидаги омиллар мажмуаси – кембрий, ордовик ва силур ётқизиқларири. Бунда уларнинг маъдан жойлашувига муносабати юқорида кўрсатиб ўтилган эди. Олтин ва бошқа элемент-индикаторлар концентрацияси эндоген табиатга эга бўлиб, уларни қуидагилар келтириб чиқаради:

- бурмали ва ёриқли структуралар ва уларнинг тўпламини ўз ичига оловчи маъданназоратловчи структуралар. Минтақавий ва маҳаллий турларга, маъданназоратловчи аҳамияти бўйича маъдан чиқарувчи, маъдан тақсимловчи ва маъданту туувчи турларга бўлинади;

- магматик омиллар, олтиннинг гидротермал нишоналари учун шуроқ комплекси ( $C_3$ - $P_1$ ) гранитоидлари билан парагенетик алоқаси аниқланган;

- минералогик омиллар (сульфид минерализациясига эга кварцнинг томир-томирчали ҳосилалари) маъданбўйи метасоматитлар ва б.;

- олтин маъданлашувининг геокимёвий хусусиятлари, маъданусти зонада маъданли элементнинг суст ва паст контрастли ореоллари билан қайд этилади. Бевосита геокимёвий қидирув белгиларига қаторига Au ва As ореоллари, билвоситага –As, Ag, Pb, Cu, Cd, Zn ореоллари ва маъданустига – Sb, Hg ореоллари киради.

